O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 25 iyun, juma

10 (291) son

СЎЗ ҚУДРАТИ

Ўткир ҲОШИМОВ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Тангри Инсонни ер юзидаги энг улуғ, энг мукаррам зот қилиб яратган. Одамзот дунёдаги жамики жонли ва жонсиз мавжудотлардан энг аввало онг билан, ақл-завокат билан ажралиб туради. Қолаверса, Худо унга тил берган. Сўзлашиш, фикр алмашиш деган улуғ неъматни ато этган. Фикр алмашиш эҳтиёжи энг қадимий, ярим ёввойи одамларни ҳам бирлаштирган. Катта-кичик йиғинлар қилиш, турли хабарлардан бир-бирини огоҳ этиш ўша олис замонлардан қолган удум бўлса эҳтимол...

Фикр алмашув қуроллари такомиллашиб борди ва бизнинг замонда "Тўртинчи ҳокимият"га айланди. Газета ва журналлар, радио ва телевидение, интернетлар... пайдо бўлди.

Тасаввур қилинг, сиз чойхонада бир чўқим ош устида суҳбатлашиб ўтириб, бир гап айтдингиз. Гапингизни тўртта улфат эшитади. Дейлик, институт аудиториясида дарс ўтаётиб айтган гапингизни ўттиз киши тинглайди. Бирон мажлисда қилган маърузангизни борингки, беш юз киши эшитади... Газетада айтган гапингизни минглаб одамлар ўқийди. Радиода, телевизорда айтган фикрингиз миллионлаб одамларга етиб боради. Бунинг оти ҳокимият бўлмай нима? Бир сўз билан миллионлаб одамни ўйлатиб қўйиш, ниманидир тасдиқлаш ёки ниманидир рад этишга сабабчи бўлиш унча-мунча жўн қурол эмас!

Йигирма биринчи аср — ахборот асри, информатика асри. Ахборот қуролини ишлатиш учун инсонда аввало соф ният, истеъдод ва албатта фидойилик бўлмоғи керак. Юртбошимиз матбуотчиларнинг касб байрами муносабати билан йўллаган табригида ғоят ибратли ибора ишлатгани эсингизда бўлса керак. "Журналистнинг нони қаттиқ бўлади!" Ниҳоятда топиб айтилган гап! Чиндан ҳам журналистнинг меҳнати машаққатли, топган нони ҳалол, тағин вақти келса ўйлаб кўринг, нима учун дунёнинг қайси бурчагида уруш-жанжал, безовталик бўлса журналист ҳозиру-нозир? Бири фотоаппаратини, бири камерасини кўтариб "оёқ остида ўралашиб" юради. Талотўпларда жароҳат олгани қанча, ўққа учраб ҳалок бўлгани қанча! Ким уларни мажбур қилади, жанггоҳларга шўнғишга? Ахир қурол кўтарган аскар эмаску! Ё шон-шуҳрат керакми унга? Пул учун қиладими бу юмушни?! Улар орасида шундайлари ҳам бўлса бордир. Бироқ аслини олганда, журналистнинг бош нияти одамларга ҳақ сўзни айтиш. Адолатни ҳимоя қилиш. Дунё аҳлини огоҳ қилиш!

Инсоф билан айтганда, бундан улуғроқ, бундан гўзалроқ ният йўқ!

Бугунги кунда эл таниган ижодкорнинг ҳаммаси у ёки бу жиҳати билан журналистикага боғланган. Бири газетада ишлаган, бири журналда. Бири нашриётда меҳнат қилган, яна бирови радио ёки телевидениеда... Журналистнинг, айниқса газетачининг меҳнати қанақа бўлишини яхши биламан. Ўзимнинг бошимдан ўтган. Мактабни битирган йилимдан бошлаб газеталарда ишладим. Хат ташувчи дастёр, корректор ёрдамчиси, корректор, таржимон, адабий ходим... Биргина "Тошкент оқшоми" газетасида ўн олти йил меҳнат қилдим. Сўнг "Шарқ юлдузи"да ўн йил ишладим... Ижодкор меҳнати, газета ва журнал ходими захмати нималигини ўз кўзим билан кўрганман. Хулосам шуки, бу — бениҳоя оғир, масъулиятли ҳунар...

Бугун мамлакатимизда саккиз юздан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатяпти. Саккиз юздан ортиқ! Бу кўпми, камми?

Шахсан менинг фикримча бу ниҳоятда кўп! Бироқ қонун бўйича хоҳлаган юридик ёки жисмоний шахс газета ва журнал чиқариш, телерадиоканал очиш ҳуқуқига эга. Бу — сўз эркинлиги, демократия белгиси. Газета ва журнал, радио ва телеканал қанча кўп бўлса, фикрлар шунча ранг-баранг бўлади, ошкоралик бўлади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ой сайин пайдо бўлаётган нашрлар, эфирга чиқаётган каналларни синчиклаб кузатсангиз, аксариятида малакасизлик касаллиги пайдо бўлганини кўрасиз. Мавзулар тор таҳлил саёз босилаётган мақолалар бачкана, ҳатто одоб доирасидан узоқ!

Йиргирма яқин "кўнгил очар" газеталарни эринмасдан ўқиб чиқиб, бир хулосага келдим. Қандай қилиб бўлмасин, газетхонни ўзига жалб қилса, қай йўл билан бўлмасин, "сенсация" топса бас. Албатта, бозор иқтисодиёти шуни тақозо этади. Ҳар ким ўз молини тезроқ сотай, дейди. Аммо газетачилар мени кечирсин-ку, баъзиларнинг шиори "дунёга ўт кетса кетсин, оловига менинг қозоним қайнаса бас" деган тентакнинг ниятини эслатади! Шунақанги ибосиз, уятсиз "хангомалар" бутун тафсилоти билан баён этиладики, ўқисангиз, ўзбек қаётидан шундай нарсалар баён қилинганига хижолат бўласиз. Олдиндан узр сўраб, шулардан бирини айтишим мумкин. (Бу "ҳангома" бир неча газетада бир неча хил "ечим" билан тасвирланган. Аммо моҳияти бир хил). Хуллас хушбичимгина хонимча бор. У севган йигитига ишониб, "аннақа" иш қилиб қўйган. Бўйида ҳам бўлиб қолган. Йигит номардлик қилиб уни ташлаб қочган. Сабаби оиласи, болалари бор. Қиз ҳам буни билган, аммо "ёшлик қилиб" "шафтолини данаги билан еб қўйган". Сўнг аламидан эгри-бугри кўчаларнинг анчасига кириб-чиққан. Иттифоқо бир йигит унга ошиқу-беқарор бўлиб қолади

Адиб набираси билан.

"Қиз" нима қилиши керак? У ҳам бахтли бўлишга ҳақлику! Буни қарангки, пул бўлса, чангалда шўрва экан! "Қиз"да эса пул йўқ эмас. "Ҳунари даромадли!" Йўли шуки, у бешта бола туққан хотинни ҳам қайтадан "иффатли" қилиб қўядиган дўхтирни топади. "Пулингни олдингми, буёғини тўғрила", деб талаб қилади. Дўхтир уни қайтадан "қиз" қилиб қўяди... Тўй айни авжига чиққанда шу нарса аён бўладики, "хотинни қиз қиладиган дўхтир" — куёвнинг отаси экан! (Бошқа мақолада дўхтир куёвнинг холаси, тағин бирида аммаси бўлиб чиқади). Бор гап шу! Ҳаётда шундай бўлиши мумкинми? Мумкин албатта. Лекин "бор гап" шунақа бўлиши газетхонга нима беради? Нимани инкор этадию, нимага даъват қилади?

Аввал боши қиз ҳарчанд "тажрибасиз" бўлмасин нима учун оилали, бола-чақали одам билан "дон" олишади? Қолаверса, "хотинни қиз қиладиган" дўхтир куёвга бегона бўлса, шу билан "олам — гулистон" бўлармиди? Минг хил эгри кўчага кириб-чиққан ойимтилла гулдек йигитни лақиллатиб "бахтли-саодатли" бўлса адолатдан бўлармиди? Тагмаъно нима ўзи? Эпласанг қандингни урми?

Бир қанча газеталарда (деярли ҳар сонида) босилган мана бундай хатларни ўқиб ҳайратга тушдим. "Ҳурматли таҳририят. Мен сизнинг газетангизни интизорлик билан кутаман. Ҳар сонини кўзимга суртиб ўқийман. Ҳеч кимга ишонмаган қалб сиримни фақат сизларга ишонаман. Менинг ёшим ўн олтида. Саккизинчи синфда ўқийман. Ўз ўқитувчимни севиб қолдим. Дунёда мен учун ундан яхши йигит йўқ. Аммо у оилали. Иккита боласи бор. Маслаҳат беринг: мен нима қилай? Бўлди! Бошқа гап йўқ. На жавоб бор, на изоҳ! Хой, барака топгур, шу телбанамо хатни босиш шартми? Ўша довдир қизалоқнинг эси бўлса "Ҳеч кимга ишонмаган сирини газетага ишонадими?" деган савол туғилмайдими? Газетанинг нияти аён. Бугун бунақа хатнинг биттасини босса, эртага ўнтаси келади. Яъни обуначи кўпаяди. Аммо хат нега жавобсиз қолди? Жиллақурса обрўли онахонми, ҳуқуқшуносми, педагогми, ўшанинг номидан «қизим, бунақа масалада қадамни ўйлаб босиш керак, қиз бола орли, номусли бўлиши керак, акс ҳолда ҳаётинг дўзахга айланиб кетади", деган икки оғиз жавоб қилиш шунчалик қийинми?

Оммавий ахборот воситалари шу қадар қудратли кучки, гоҳи ядро бомбаси қилолмаган даҳшатни қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Ҳозир бир халқни махв этиш учун унинг бошига бомба ёғдириш, юртига лашкар тортиб кириш ҳам шарт эмас. Сўз деган қурол билан асрий удумлари, отаболоби авайлаб келган қадриятлари илдизига болта урилса, миллат қуриган дарахтдек ўзлигини йўқотади.

Газетамизнинг ушбу сони 27 июнь — Матбуотчилар кунига бағишланади

Хизмат юзасидан вилоятларга борганда газета ва журналлар, телерадиоканаллар қанча кўпайса, малакали ижодий кадрлар етишмаслиги шунчалик кўриниб қолаётганига, чекка туман газеталари орасида ҳар жиҳатдан марказий нашрлардан қолишмайдиганлари ҳам, аҳволи ниҳоятда хароблари ҳам борлигини кўрамиз. Ёзган ҳар бир сатри, айтган ҳар бир сўзи ўқувчи ва томошабинларни ларзага соладиган, чин маънода катта шахс саналувчи фидойи ижодкорлар ҳам, пахта заводигами, дон маҳсулотларигами, нефт базасигами бориб, йўқ жойдан ишкал топишга уринадиган тамагирлар ҳам борлигини биламиз. Начора, гуруч курмаксиз бўлмас экан.

Бугунги хурсандчиликда кечаги ғамдан гапирманглар деган нақл бор.

Яхлит олганда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз Ватани, ўз халқи учун, юрт равнақи учун салмоқли улуш қўшадиган тиниб-тинчимас кишилар — журналистларнинг бугун касб байрами. Журналистларимизнинг зиммасига шундай оғир, масъулиятли ва шарафли юкни Тангрининг ўзи ортиб қўйган экан, буни қисмат деб қабул қилмоқ керак. Аслида, ижод шунчаки касб эмас, у қисмат, у тақдир. Тақдирдан эса қочиб қутулиб бўлмайди. Шундай қисмат эгаларига саломатлик, омад, ижодий парвозлар тилайман! Ҳаммангизнинг пешонангиз ёруғ бўлсин!

ОТА ДУОСИ

Ўтган ҳафта Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси Назира опа қўнғироқ қилиб қолди:

— Андижонга қачон борасиз, бир илтимосим бор эди.

— Эртага водийга кетаётган эдим, кўнглингиз сезибди, чоғи.

— Жуда кўп уриндим, аммо Назиржон ака Саидовни топа олмаяпман. Муҳаммад акангизнинг юбилейини андижонлик ҳамюртлари жуда бошқача нишонлашди. Андижонда бу ишга Назиржон ака бош қош бўлди, саммимий миннатдорчилигимни билдириб қўяй дегандим. Мархамат хокими Козим акага ҳам раҳмат деб қўйсин, илтимос.

— Мен ҳам кеча вилоят хокимиятига қўнғироқ қилгандим. У киши бетобланиб қолибди. Ҳол-аҳвол сўрашга албатта бораман.

Омонатни етказаман...

Андижон вилояти хокимияти биносига киришдаги расмиятчиликлар, таъқиқлар анча камайибди. Иккинчи қаватда жойлашган иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича котибият мудири Назиржон Саидовнинг хизмат хонасидамиз.

— Соғлиғингиз яхшими, кўриб жуда кўнгил тўлди, — деб Назира опанинг дил сўзларини айтдим.

— Муҳаммаджонни қанча эъзозласак ҳам оз, — дейди Назиржон ака. — Ҳали ниятларимиз кўп.

Ҳа, Назиржон ака Саидов ижод аҳлини қадрига етадиган, ажойиб, мард, тўғрисўз инсон. Камтаринлиги ва саммийлигини айтмайсизми? Ижодкордан — журналистдан чиққанда.

Матбуотчилар куни билан Назиржон акани саммий табрикладик.

— «Миллий тикланиш» ўқувчилари Андижонда анча кўпайиб қолди, бўш келмайсизлар. Иброҳим Ғофуровни ҳам андижонликлар ўзиники деб билишади. Қутлуғ қадам йигитсизда, бугун избосканликлар водийда биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш режасини бажаришди. Битта чиройли мақола ёзсангиз арзийди.

Избоскан тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Муҳаммаджон Ҳамроқулов ҳузуридамиз.

— Андижонда Муҳаммад исмли таниқли кишилар жуда кўп, — деб лутф қилдик унга.

— Нафақат бизда, бутун жаҳонда энг кўп тарқалган исм — Муҳаммад деб, газетангизда ёздингиз-ку.

— Бугун ғалла режасини бажарибсизлар, қуллуққа келдик. Ўн беш иш кунидаёқ давлатга ғалла сотишни уддалаб қўйибсизлар, хирмонингизга барака ёғилибди.

— Салкам олти минг гектарга ғалла экилганди, — дейди Муҳаммаджон ака. — Туман бўйича ҳар гектар майдондан режадаги 58,4 центнер ўрнига 66 центнердан ҳосил чиқаётир. «Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллиги» ширкат хўжалигида эса энг юқори кўрсаткич 68,2 центнерданга тўғри келаётир. «Урганжи» ширкат хўжалигида эса 67,9 центнер. Ўн учта «Кейс» комбайнлари кечаю кундуз ишлаётир. Ҳали ўрилмаган майдонлар кўп.



Избоскан тумани Абдусамат Тиллабоев номли ширкат хўжалиги раиси Алишер ТИЛЛАБОЕВ.

Бу йил пахтачиликдан ҳам умид катта 8995 гектар майдондаги ғўзалар баравж ўсяпти. Уч минг гектардан ортиқ майдонда ғўзалар шоналади. Олти минг гектарга яқини гуллади. Кўсак тугаётган ғўза майдонлари кун сайин кўпаймоқда. Олти марта культивация қилинди. Икки марта ўғитланиб, икки марта суғорилди. Бу юмушларни санаб ўтиш осон холос, бажариш эса машаққат.

Бирорта илғор хўжаликка бориб яқиндан танишсак деган ниятимни билдирдим. Муҳаммаджон ака туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Турсунбой Хожиакбаровни ҳузурига чақириб биз билан Абдусамат Тиллабоев номли ширкат хўжалигига бориб келишни илтимос қилди. Ўзи анчадан бери шу хўжалик тарихи билан қизиқиб юрардим, кўп эшитгандим, бу хўжаликнинг тажрибаси ҳақида. 1937 йилдан 1986 йилгача салкам эллик йил бир колхозда раислик қилган машҳур инсон Абдусамат Тиллабоев ҳақида кўп ўқиганмиз.

Бугун мамлакатда номи танилган хўжаликка Абдусамат Тиллабоевнинг ўғли Алишер Тиллабоев раис. Ота изидан бораётган раис. Ота дуосини тоққа, она дуосини боққа қиёслайман. Бу оламда отасининг хизматларини қилиб ризочилигини ололган киши учун бу дуолар тоғдек қалқон бўлиб довулу бўронлардан асрайди. Ундайларнинг ғурури ҳам тоғдай баланд юради. Агарки киши ўз муниса онажонисининг ҳаёт чоғларида дуоларини ололса, ундайларнинг насибаси боғларга сочилган. Доимо ризқи бутун, дастурхонлари ноз-неъматларга тўлиб тошади. Яна бир ҳақиқат мавжудки, бу ёруғ оламда энг машаққатли иш ҳам ота-онанинг дуоларини олишдир. Энг лаззатли нарса ҳам шундай дуоларга мушарраф бўлишдир. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Алишер Тиллабоевни шундай бахтиёрликда ишлаб ота номини улуғлаётган фарзанд эканини ҳамроҳим ҳам таъкидлади.

Ўн саккиз йилдан бери хўжалик тақдири, ютуқлари, иқтисоди, равнақи Алишер ака билан боғлиқ.

Ҳамма жабҳаларда шунча йилдан бери ҳар қандай оғир табиий шароитларда ҳам режалар ортиғи билан уддаланаётганини ўзи бир жасорат. Хўжалик ҳудудидаги ободончилик ва қурилиш ишлари ташаббускори раиснинг ўзи.

741 гектар майдонга ғалла экилиб, ҳосил етиштирилган. Хўжалик фақат уруғлик буғдой тайёрлайди. Ҳар йили энг серҳосил нав экилади. 2004 йил ҳосили учун «Тибет» навли буғдой ҳам экилган. Бу нав экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 80 центнергача буғдой олинаётир. 450 гектар майдондаги ғаллазорнинг ўзи билан йиллик режа уддаланди. Қолган майдонлардаги ғалла пудратчилар насибаси. Бугун хўжаликдаги 23 нафар бош пудратчи ва пудратчиларнинг кўнгли тоғдек кўтарилган.

Пахтачиликда ўтган йили энг машаққатли бўлди. Аммо Алишер Тиллабоев ўзини кўрсатди. Ҳар гектаридан режадаги 32,7 центнер ўрнига 40,2 центнердан оқ олтин хирмонини кўтариб, режаларни ортиғи билан бажарди. Пахтачиликдан рентабеллик 25,9 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатда ҳам энг юқори натижа сирасига киради. Ўтган йили пахтачиликдан 146 миллион 490 минг, ғаллачиликдан 96 миллион 446 минг сўм соф фойда олинганининг ўзи бир достон.

Бир пудратчининг йиллик иш ҳаки 283 минг 258 сўмни ташкил этди.

Хўжалик ихтиёрида 990 бош қорамол, 1097 бош қўй бор. Чорвачиликни сақлаб қолиб, уни сердаромад соҳага айлантирган хўжалик мутасаддилари ҳақида ҳар қанча мақтов ёзсак ҳам камдек туйилаётир.

— Отам фақат тўғри бўл, ҳалол бўл, деб доимо уқтирарди. Эл ризқига ҳиёнат қилмаганларнинг топганига Оллоҳнинг ўзи барака бераверар экан, бунга ҳаётимда, меҳнат фаолиятимда иймон келтирдим, — дейди Алишер Тиллабоев. — Отам раҳматли классик адабиётни — Навоийни кўп ўқиган. Исмимни ҳам шунинг учун Алишер қўйганлигини айтарди. Тарихий асарларни жуда кўп ўқиганди. Шеърлар ҳам ёзган...

Алишер Тиллабоев билан суҳбатлашиб ҳузур қилдим. Бундай ноёб иқтидор, Оллоҳ берган инсон билан юзма-юз ўтириб мулоқот қилганим, у ҳақда ёзаётганимдан шукур қилдим.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Журналист бўламан

«Народное слово» газетаси таржимони Ленура Бойтеракова ҳамда газета мухбири Ирина Серых ўзаро мулоқот чоғида.

Эркин БОТИРОВ олган суратлар

Партия ахбороти

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашида «Миллий тикланиш» партияси фаоли иқтидорли шоира Баҳор Холбекованинг ижодий йўлига атаб кеча ўтказилди. Унда ЎзМТДП раиси Иброҳим Ғафуров, таниқли адиб Эркин Аъзамов Сирдарё вилоят партия етакчилари Маматқул Бозорбоев ва Хотам Нишоновлар иштирок этишди.

***

ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» раҳбари Жаннатой Тошматова иш режаларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳомийлик ёрдамлари ташкил этиш, ҳар бир тадбирни юқори савияда ўтказишда партия етакчисига хос ибрат кўрсатмоқда. Ёшларни партияга жалб қилиш учун олиб борилаётган тадбирларга, ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ишларига тадбиркор раҳбар Ж. Тошматова ташкилотчилигида 1 млн. сўмликдан зиёд ҳомийлик ҳаражатлари қилинди.

***

ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан яна бир маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. ЎзМУ биносида бўлиб ўтган «Оила қонунчилиги ёшлар нигоҳида» номли ущбу мулоқот учрашувида мутахассислар, Адлия вазирлиги вакиллари қатнашди ва ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Учрашувни «Ёшлар қаноти» раҳбари Ж. Тошматова рлиб борди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 2-Меҳрибонлик уйида партиянинг «Ёшлар қаноти» ташкилотчилигида хайрия концерти берилди. Унда ЎзМУ Маданият саройи саньаткорлари хизматда бўлдилар, ногирон болаларга завқ шавқ улашдилар.

***

ЎзМТДП Самарқанд вилояти кенгашида партия ташкилий тузилмаларига жиддий эътибор бериляпти. Бугунгача вилоятда туман ва бошланғич ташкилотлар сони 52 тага етди. Шунингдек, кейинги бир ҳафта ичида 2 минг нафар янги аъзо партия сафига қабул қилинди.

***

Самарқанд вилоят Тойлоқ туманида ЎзМТДП Тойлоқ туман кенгашининг йиғлиши бўлиб ўтди. Унда сайловолди жараёнларга тайёргарлик ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда Самарқанд вилоят мева-сабзавот уруғлари бошқармаси бошлиғи Зайниддин Жумаев ЎзМТДП Тойлоқ туман кенгаши раиси этиб сайланди.

***

ЎзМТДП Самарқанд вилояти кенгаши раиси Абдуқаюм Каримовнинг СТВ «Юзма-юз» кўрсатувида 22 июн куни сайлов жараёнларига тайёргарлик мавзусидаги суҳбати намойиш қилинди. Шунингдек, «Зарафшон» газетасида вилоят партия етакчилари А. Қаюмов, И. Қодирова, Ёрбобоевларнинг «Партиянинг мақсад ва вазифалари» мавзусидаги мулоқоти эълон қилинди.

***

ЎзМТДП Нуробод туман кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Икки юз нафардан ортиқ партия аъзолари қатнашган ушбу йиғилишда Ашраф Ўринов ЎзМТДП Нуробод туман кенгаши раиси этиб сайланди.

***

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси Фахриддин Шарипов Наманган Давлат университети жамоаси ҳамда талаба ёшлари билан учрашди. 800 нафардан зиёд талаба қатнашган ушбу учрашув партия ва ёшлар мавзусида бўлди.

***

Навоий вилояти Зарафшон туман кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди. «Юнител» компанияси Зарафшон филиали директори Ҳамза Қодиров ЎзМТДП Зарафшон туман кенгаши раиси этиб сайланди.

***

ЎзМТДП Учқудуқ кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайловолди жараёнларга тайёргарлик, терроризмга қарши курашда партиянинг вазифалари ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда Учқудуқ шаҳар кабел телевидениеси раҳбари Жалолиддин Раҳмонов ЎзМТДП Учқудуқ шаҳар кенгаши раиси этиб сайланди.

***

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши томонидан «Жўрабек» хусусий дорихонаси ҳомийлигида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш тадбирлари давом этяпти. Қуйичирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен туманларида ўтказилган хайрия тадбирларида кўплаб дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари кам таъминланган оилаларга бепул тарқатиш учун туман «Маҳалла» хайрия жамғармаларига берилди.

***

Тошкент вилоятида туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларни кадрлар билан таъминлаш ишлари жадал олиб бориляпти. Қуйичирчиқ туман кенгаши йиғилишида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳанифа Зокирова Қуйичирчиқ туман кенгаши раиси этиб сайланди. Шунингдек, Оҳангарон туман кенгаши раиси, Ангрен туман кенгаши йиғилишида «Ангрен-нон» акциядорлик жамияти раиси Равшанбек Қодирхўжаев Ангрен туман кенгаши раиси этиб сайландилар. Ўтказилган барча йиғилишларда Олий Мажлис депутати, Тошкент вилоят кенгаши раиси Шарифа Салимова, ЎзМТДП котиби Мунира Қориева, Тошкент вилоят кенгаши ижрочи директори Хайринисо Мирзажонова-лар иштирок этишди.

***

ЎзМТДП Олмалиқ туман кенгаши йиғилишида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Унда Олмалиқ шаҳар халқ таълими касаба уюшмаси раиси Улуғбек Эсонбоев туман кенгаш раиси этиб сайланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЭЛ АРДОҒИДА ЭДИ

Ёднома

Мана етмиш бешга кираётирман. Шундан ярим асри турли жабҳаларда биринчи раҳбар бўлиб ишлаб келаётирман. Қайда кўрса давраларнинг тўрини менга илинадиган юзлаб шогирдларим, ўқимишли фарзандларим, набираларим бор. Ҳаётим давомида кўплаб давлат арбоблари, олимлар, шоирлар ва ёзувчилар, умрнинг турфа чорраҳаларида ажойиб тақдир эгалари билан яқиндан мулоқотда бўлганман. Шундай тақдир эгаси бўлганимдан Яратган парвардигори эгамга шукур қиламан. Самимий ва холис ниятли, кўрганида эъзозлаб эҳтиром кўрсатадиган журналист дўстларим, укаларим кўп. Уларнинг мен ҳақимда ёзган очеркли, китобларини ҳар гал ўқиганимда умримга мазмун киради. Зийрак нигоҳли, тўғрисўз, мард ва камтарин, журналистикада катта тажриба эгаси Исмоил Сулаймонов ҳам менинг энг яқин — дардкаш ўртоғим эди. Меҳрибончилигини яшира олмайдиган, бағри кенгликда кўпчиликка ибрат бўладиган қалб эгаси эди. "Меҳр — инсон учун энг улуғ неъмат" дер эди.

У билан ҳаёт ташвишлари-ю қувончлари, қарилик гашти-ю, ёшлар шижоати, ҳатто журналистика муаммоларигача ҳамсуҳбат бўлардик. Ҳамма китобларини совға қилганди. Дастхатлар битганди. Қайта-қайта айтарди: "Кўпчиликнинг фикри адолатли бўлади, у билан ҳисоблашиш керак". Ҳозирги замон тили билан айтсак демократ қаламкаш эди. Эҳ унинг ғайрат шижоатлари — айрим йигитларни доғда қолдириб ижод қилганлари. Оламдан ўтмасидан иккі-уч йил илгари "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Қишлоқ ҳаёти", "Миллий тикланиш" каби кўпгина республиканинг нуфузли газеталарида деярли ҳар ҳафтада мақолаларини ўқирдик. Етмишга кирса ҳамки ғайрат камарини маҳкам боғлаб меҳнат қиларди, ёзарди. Ўзаро суҳбатларимиз исломий китоблар, асосан "Қуръони каримга" бориб тақалаверарди. Саҳоватли, меҳр-муҳаббатли, оилапарвар, дин-диёнатли, ҳалол кишиларни доимо эъзозларди. Улар Исмоил Сулаймонов асарларининг қаҳрамонлари эди.

Ҳамон ёдимда, 1999 йил республикада маданият, адабиёт ва матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун "Эл-юрт ҳурмати" орденини олгандаги қувонганлари кўз ўнгимда. Меҳнати қадрланганидан бахтиёр бўлиб илҳомланиб-илҳомланиб ижод қиларди.

Суратда: (чапдан ўнгга) "Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Шуҳрат Жабборов, таниқли адиб ва журналистлар устоз Исмоил ота Сулаймонов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қуддус Аъзам.

Қизларига, набираларига меҳрибончилик қилишда тенги йўқ олийжаноб инсон эди. Куёв болаларини ўз ўғлидек кўрарди, улар ҳам қайнотасига ўз отасидек меҳрибончилик қиларди. Умрининг сўнгги кунларида чоп этилган "Эл ардоғида" рисоласи бизга ундан ёдгорлик бўлиб қолди. Мен ёзувчи ёки журналист бўлмасам-да, жуда-жуда ёзгим келади.

Агар ёзишни уддасидан чиқанимда эди, иймон-эътиқодли, табаррук инсон Исмоил дўстимиз ҳақида, унинг ибратли ҳаёти, одамларга қилган яхшиликлари тўғрисида бир китоб ёзардим.

Яхши инсонлардан қарздорликни хис қила олиш хислати кимга насиб этган бўлса, демак у улуғликдан бир далолат. Исмоил Сулаймонов ҳам кимдандир заррача бир яхшилик кўрган, яхшиликка йўғрилган дил сўзларини эшитган бўлса ҳеч унутмасди. Болаларга айниқса, эътиборли муносабатда бўларди. Бу фоний дунёдан у боқий дунёга сафар қилиш ҳар биримизнинг бошимизда бор. Аммо ўтиб кетганингдан сўнг орқангдан «яхши инсон эди» деб йўқловчилар кўп бўлса, демак сен одамлар хотирида яшаяпсан. Исмоил дўстимиз ҳам бизнинг хотиримизда абадий яшайверади.

Муқаддас китобларда аҳли иймонлилар мукофоти — жаннатдир дейилади. Яратганнинг раҳматлари унга ёр бўлсин, ётган жойлари жаннатларда бўлсин. Ёдномани Исмоил Сулаймоновнинг "Замондошларим" китобидаги "Қалбим малҳамисизлар яхшилар" бадиасидаги ушбу сатрлар билан тугаллашни лозим топдим:

«Умр оқар сувдек ўтиб бормоқда. Эзгу ишлар қилиб қолишга шошилинглар, азизлар.

Кўп қатори ишладим. Озмикўпми ўзимга яраша эътибор топдим, деб айта оламан. Журналистлик қисмати, айниқса муҳаррирлик қисмати енгил эмас. "Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ". Бир эмас, минг бора розидирман ҳамкасб дўстларимдан. Бахтим шундаки, атрофимда яхши одамлар кўп бўлди. Ўшалар қоқилсам — суяб қолишди, йиқилсам — турғазиб қўйишди, ҳаётнинг кутилмаган зарбаларига дучор бўлган кезларимда зада бўлган қалбимга малҳам бўлдилар. Улар яхшилиги ҳамон бўйнимда, унутмасман эзгуликларини. Яхши одамларнинг ҳимматларини, инсоний қилмишларини тўлалигича қайтара олмаганим — бор гап. Мендан қайтмаса, Худодан қайтсин, бола-чақаларингиздан қайтсин, азизларим, қадрдонларим.

Умрим мобайнида бирор арзигулик иш қилган бўлсам, аввало — атрофимдаги яхши одамлар туфайли, ўшаларнинг далдаси, кўмаги, ёрдами туфайли деб биламан. То ҳаёт эканман, уларни дуо қилишдан толмайман: Яратган эгам касби-корингизга ривож, умрингизга барака берсин, эл-юрт ўртасида ҳамиша юзингиз ёруғ, тилингиз узун, қаламингиз ўткир бўлсин!»

Ўлмас МАШАРИПОВ,
Янгийўл туманидаги О.Бекхўжаев номидаги Халқобод нон корхонаси раҳбари.

ФИДОЙИЛИК БОР — ТАРАҚҚИЁТ БОР

Сўз журналистларга

Ҳар бир инсон ўзи фаолият юритаётган соҳанинг мазмун-моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни ҳақида фикр юритади. Мен ҳам журналистикага кириб келган дастлабки кезларда шу ҳақда кўп ўйлардим. Журналистлик бошқа касблардан инсон турмуш-тарзининг, ҳаётнинг барча жабҳаларини кенг қамраб олиш имконига эгалиги, изчиллиги, тезкорлиги билан фарқ қилса керак. Мен илк бор «Журналист суриштируви» (баъзилар уни «Журналист текшируви» деб ҳам аташади) рукни остида мақола тайёрлай бошлаганимда, айнан, шу тушунча касбимизнинг асл моҳиятини ифода этмасмикан, деган фикрга келдим. Бу рукнда мақола ёзиш учун қаламкаш изланади, мавзунинг ичига кириб боради, далил тўплайди, умуман, воқеалар ичида қайнайди. Мавзуни ёритиш учун тўлиқ тасаввурга эга бўлгач, уни юрак торларидан ўтказади. Кейин қоғоз қоралашга ўтиради ва ёзган мақоласини газетхон ҳукмига ҳавола қилади. Мана шу ерда унинг маҳорати, билими, салоҳияти намоён бўлади. Қаламкаш оддий ахборот ёзадими ёки мақола битадими, аввало, ёритмоқчи бўлган мавзу ҳақида маълум тушунча ва далилларга эга бўлиши лозим. Шуларга суянган ҳолда у ижод қилади. Демак, журналистика — доимий изланиш, ҳаракат, изчиллик, билим, таҳлил ва масъулиятдир.

Журналистика ҳақида гап кетганда, бу соҳанинг асл мақсади нима, деган савол туғилиши, табиий.

Менимча, журналистнинг асосий мақсади — яхшилик. Аввало, одамларга ён-веридагиларга, қаламга олган ташкилот, хўжалик, корхона... ва ниҳоят жамиятга, мамлакатга яхшилик қилиш.

У танқидий мақола ёзганида ҳам ҳақиқатни юзага чиқариш, бировнинг оғирини енгил қилиш шу орқали инсонларга яхшилик қилишга интилади. Фельетон, ҳажвия ёки яна бошқа бир жанр бўладими журналист, аввало, нуқсонларни фош этиб, уларни бартараф этиш ҳаракатида бўлади. Охир-оқибат бу жамиятнинг ғуборлардан тозаланиши, унинг софланишига хизмат қилади.

Соҳага қўплаб ёшлар кириб келишмоқда. Уларда билим, янги қарашлар, дадиллик, жўраът, ватанпарварлик ҳислари уйғунлашган. Ёшларимиз бугунги кунда интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали дунё ҳаётидан воқиф бўлиш, жамиятимиз тараққиётига холисона назар ташлаб, унинг равнақига ҳисса қўшиш имконига эгалар. Лекин байрам бўлишига қарамай, журналистикага кириб келаётган ёшларимизга баъзи бир фикрларни айтмоқчимиз. Шундай билим, салоҳият соҳиблари бўлишига қарамай, уларда қандайдир ҳавойилик бордай. Ёш журналистларимизнинг баъзилари масъулиятни тўлиқ ҳис қилишолмайди. Улар кўпинча вазиятни тараққий этган хорижий мамлакатлар билан таққослаб, бизда ҳам бугун, ҳозир шундай бўлиши керак, деган нуқтаи назардан қарашади. Аслида, биз ҳамма нарсага холис баҳо беришни ўрганишимиз керак. Чунки ўша давлатларда ҳам бундай вазият дарров юзага келмаган.



Ҳозирги кунда матбуотимизда катта ўзгаришлар рўй бераяпти. Газета ва журналлар сони кўпаймоқда. Уларнинг ташқи кўриниши ҳам ранг-баранг. Хусусан, «Халқ сўзи» газетаси ҳақида гапирадиган бўлсам, сўнгги пайтларда унда кўзга ташланарли ўзгаришлар бўлаётганини эътироф этишни истардим. Бу ўзинии ўзи мақташ эмас, балки бор ҳақиқат. Газетамизни варақлаган муштарий фикрларимни тасдиқлаши мумкин, деб ўйлайман. «Халқ сўзи»да бугунги кунда долзарб мавзуларни ёритишда ёрдам берадиган янги рукнлар жорий қилинаяпти. Бундан ташқари, Президентимиз Фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижроси бўйича таҳлилий, танқидий мақолалар сони кўпайиб бормоқда.

Ҳамкасбларимизни кириб келаётган айём билан қутлар эканмиз, уларга касбий маҳорат, мавзуларни ёритишда дадиллик, жўраът тилаймиз. Энг муҳими, ҳар бир инсон ўз касбининг фидойиси бўлсин. Фидойилик бор жойда ўзгариш, тараққиёт бўлади.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» газетаси янгиликлар, халқаро ҳаёт ва спорт бўлими катта мухбири

ГАЗЕТА — УЛУҒ МИНБАР

Журналист ўткир қалами, теран фикр-мулоҳазалари, қолаверса, элни руҳий бедорликка ундовчи сўзи билан жамият тараққиётига ҳисса қўшиши лозим. Аслида ҳам жамиятнинг юраги ана шундай фидойи журналистлар, кўксида уриб туради, десак хато бўлмайди. Журналист эл-юрт қувончу ташвишига шерик, тунларни тонгга улаб ҳақиқат излаган, қалам заҳматини тортиб маърифатга интилган бедор, беором инсон. Журналистика қисматимга, ҳаётимнинг мазмунига айланганидан беҳад мамнунман.

Ҳар тонг остона ҳатлаб ишга отланарканман, раҳматли онажонимнинг "Сўз — Оллоҳнинг мулки, унга ҳамиша содиқ бўл. Ўз сўзинг билан одамлар юрагини илит, уларни яхшиликка, савоб ишларга бошла" деган ўгитлари ёдимга келаверади. Шу ёруғ ният қалбимда кўкариб, улғайиб, мени дили пок, содда, самимий инсонлар хизматига бошлайди.

Йигирма йилдирки, ана шу саодатманд, йўлдаман. Умримнинг энг гўзал ва куч-қувватга тўла онлари газета ишида ўтди.

Журналист меҳнати қанчалик машаққатли ва оғир бўлмасин, шунчалик севимли ва азиздир. Баъзан кечалари ухламай оқ қоғоз устида тонг орттирасан, баъзида олис сафар заҳматларини тортасан, ҳамма ҳордиқ олаётган ярим тунда сен навбатчиликдан қайтасан. Шундай заҳматли дамларда ҳам юрагингни нимадир илитиб, ёритиб туради. Бу — сенинг сўзингни кутиб яшаётган муштарий нигоҳи, элнинг ишончи.

Халқнинг кўнглидаги сўзни топиб айтмоқ, қалбига йўл топмоқ эса ўта масъулиятли. Бугунги кунда воқеа ва ҳодисаларни шунчаки баён этиш билан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Бунинг учун журналист ўзининг қалб қўри, янгича тафаккур қуввати билан ҳаётга назар ташлаши, воқеа-ҳодисаларни шарҳлаши лозим.

Яна ҳар бир журналистни халқ билан юзма-юз туриб айтадиган ўз сўзи, ўз фикри бўлиши керак. У газетхонга нима демоқчи, халқни қандай мақсадларга даъват этмоқчи.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг нашри бўлган "Ишонч" газетаси асосан меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, саломатликларини тиклаш, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрликлар қилиш каби муҳим йўналишлар бўйича иш олиб боради.

Айниқса, биз — "Ишонч" журналистлари ноҳақ ишдан бўшатилган, ойлик маошини вақтида ололмаётган, товон пулини ундиролмаётган меҳнат аҳли мушкулини осон қилишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшиб келаяпмиз. "Ишонч" ҳуқуқий маслаҳатхонаси" рукни остида берилаётган мутахассисларнинг газетхонлар саволларига жавоблари эса муштарийлар томонидан алоҳида қизиқиш билан қабул қилинади. Бу эса ўз навбатида одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Оламни идрок этиш, дунёни англаш, ўзликни таниш, аждодлар мероси — бари маънавият-маърифат орқали онгимизга сингиб боради. Зеро, маънавият табиатан инсон қалбига кўчган зиё, эзгулик шодаси. Бизнинг маънавиятимиз эса асрлар оша шаклланиб, сайқалланиб келган. Ана шу буюк уммонни газетхонга етказиш ниятида "Маънавият сабоқлари", "Туронзамин даргалари", "Маънавиятимиз юлдузлари", "Ўтмишдан садолар", "Жума ўгитлари" каби ўнлаб рукнлар ташкил этганмиз. Бундан ташқари, Навоий меросини ўрганиш борасида газетамиз яхши ташаббусни бошлаган. Беш йилдирки, "Навоийхонлик" рукни остида адабиётшунос олимлар билан ҳамкорликда улуғ шоирнинг юздан ортиқ ғазалларини шарҳлаб бердик.

Бир сўз билан айтганда, газетамизда чоп этилаётган кичик хабардан тортиб катта мақолагача — барчаси Ватан истиқлоли ва истиқболини асраб-авайлаш, юртга, миллатга фидойилик руҳи билан йўғрилган. Ғурур ва ифтихор билан айтаманки, қалб қўримиз, юрак сўзимиз, машаққатли меҳнатимиз бежиз кетмаяпти. Мен бунга ишонаман. Ана шу ишонч мени бедор ва беором ишлашга ундайди.

Амина ҚОДИРОВА,
"Ишонч" газетаси маънавият ва маърифат бўлими мудири.

Суратда: ***Олий Мажлис депутати, «Миллий тикланиш» фракция аъзоси Эркин Донаев ва таниқли тележурналист, сиёсат студияси катта муҳаррири Инобат Нормуродова.***

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАЙЛИК

"Туркистон" газетаси ўз шиорини "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" деб бежиз белгиламаган. Ёшларни жисмонан соғлом, руҳан тетик, баркамол бўлиб вояга етишларида, эл-юрт шаънини, шарафини ҳимоя қила билишларида мазмун-моҳиятан етук мақолалар орқали тарғиб қилишимиз бурчимиз. Қолаверса, илми салоҳияти юксак, касби-кори юрт манфаатига қаратилган ёшларни газета саҳифаларида ёритиб бориш барча ёшларни илм олишга, касб эгаллашга етаклайди. Юртбошимизнинг энг юқори минбарларидан туриб мазкур шиорни барчага эслатиши замирида баркамол авлодни вояга етказиш, келажагимиз эгаларини етук кадрлар қилиб тайёрлаш ўз аксини топган.

Ватан барча нарсадан устун. Дунёнинг чеки бўлмаса-да, ҳар бир инсоннинг ватани бўлсин. Ватан йиқилсанг суягувчи, суянсанг юксакка кўтаргувчи, шундай экан, эл-юрт деб ёниб яшаш ҳар бир фарзанд учун ҳам қарздир. 27 июнь — оммавий ахборот воситалари куни арафасида ёшлар газетаси шиорини яна бир бор эслаяпмиз. Осойишта ватанга байрамлар ярашади. Озод юрт одамларига байрамлар татийди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга интилиб яшаётган инсонлардир. Журналистлик касбида садоқат билан ишлаётган азиз ҳамкасблар барчамизга касб байрами эзгулик олиб келсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
"Туркистон" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

ЖУРНАЛИСТИКА ҲАМ ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Ҳаёт тинимсиз ўзгаришда. Кечаги янгилик бугун эскиряпти. Бизнинг замонда тезкорлик биринчи ўринга чиқди. Энди янгилик билан одамларни лол қолдириш мураккаб иш бўлиб қолди.

Бундан беш-ўн йил аввал ўзаро гап-сўзда, ёзувчизувимизда «биз космос асрида яшаяпмиз», деган иборани ишлатардик. Ҳозирчи? Бу саволга ҳар ким ўзича жавоб беради. Менимча, бугун ахборот даври. Кимда ахборот кўп бўлса, ўша ютади, сўзини ўтказа олади. Касбимиз нуқтаи назаридан фикр юритадиган бўлсак, журналистнинг биринчи ва энг муҳим вазифаси ўқувчига ахборотни холис етказишдир. Ахборот кўп. Журналист эса ўқувчилар аудиториясидан келиб чиқиб янгилик ёки хабарни бериши лозим.

Матбуотда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда турли мавзуларда таҳлилий-танқидий чиқишлар мунтазам бериб борилаётганини алоҳида эътироф этиш керак. Бироқ масала моҳиятини очиб беришда озроқ билим, малака, қисқача айтганда профессионал маҳорат ва жасорат етишмаётгандек туюлади, менга.

Бугун биз, журналистларнинг фаолият кўрсатишимиз учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Қонунларда журналистнинг бурчи ва мажбурияти аниқ-тиниқ кўрсатилган. Афсуски, баъзида билиб-билмай касб одоби меъёрларидан четга чиқиб кетяпмиз. Журналистик этикани унутяпмиз. Мавриди келганида аччиқ бўлса ҳам айтай. Шу соҳада ишлаётган айрим ҳамкасбларимнинг юриш-туришини кўриб, гап-сўзларини эшитиб ўйланиб қоламан. Улар бошқаларга ўрнак бўладиган, жамият олди кишилари бўлишлари керак-ку? Ўзи қонун-қоидадан хабарсиз, фикр доираси саёз бўлса-ю, иш жойини рўкач қилиб ўзгаларга ақл ўргатса? Назаримда, журналистикага адашиб кириб қолганлар касбнинг сир-асрорларидан хабарсизлар ноўрин ҳатти-ҳаракат қилмоқда.



Журналист учун майдон кенг. У фақат одил ва холис туриб қалам тебратмоғи зарур. Одамларни қандай муаммолар ташвишга соляпти? Қайси мавзуни кўтарса жамиятга нафи тегади? Шулар ҳақида бош қотирсак, ёзсак ўйлайманки, бунинг фойдаси кўп бўлади. Ютуқларни бўй-басти билан кўрсатиш, суиистеъмолчилик сингари салбий иллатлар, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар илдизигача етиб бориш — журналистдан чуқур билим ва жасорат талаб этади. Мустақиллик ҳамкасбларимизни ҳар қачонгидан кўра фидойи бўлишни кун тартибига қўйди, десам муболаға бўлмас.

Касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни баҳонасида кўнглимдан кечган гапларни сизлар билан баҳам кўргим келди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» газетаси ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик бўлим мудири.

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ДА ИШЛАЁТГАНИМДАН БАХТИЁРМАН



Журналистика жамиятнинг ойнаси. Журналист эса ана шу ойнага жамиятдаги воқеаю ҳодисалар, ютуғу муваффақиятлар, муаммо-ю камчиликлар тасвирини яққол туширib беради, десам муболаға бўлмас. Чунки журналистнинг обрў-эътибори, ҳурмат-иззати ҳам воқеаларни қанчалик даражада тасвирлаб беришига боғлиқ. Адолат, ҳақиқатгўйлик, табиийлик журналистнинг асосий мезони ҳисобланиб, у қалам орқали шунга интилади. Айни пайтда унга жуда катта масъулият ҳам юкланади. Сўз масъулияти.

Балки, шунинг учун ҳам журналистлик кўпчилик ҳавас қиладиган касбдир. Мени ҳам бу соҳага етаклаган ўша қизиқиш. Ҳозирда газетада ишлаш жараёнида ҳарбий-ватанпарварлик, ижтимоий, ҳуқуқий мавзуларда қалам тебратиб келмоқдаман. Бугун мамлакатимизда жуда катта ўзгаришлар, янгиланишлар юз бермоқда. Мен ҳам газета мухбири сифатида соҳалардаги ислоҳотларни баҳоли қудрат ўқувчиларга етказаётган ва бу орқали газетхонга нимадир улашаётган бўлсам, демак, қайсидир маънода вазифамни бажараяпман...

Кундалик ҳаётни халққа етказиш ҳамда халқ дардига малҳам бўлиш, уларнинг поймол этилган ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса қишлоқ меҳнаткашларининг муаммоларини жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш — муқаддас бурчимиздир. "Қишлоқ ҳаёти" жамоаси ижодкорларининг эзгу ниятлари шундай улуғ. Мен ҳам шу жамоада ижодий имкониятларимни кўрсата олаётганимдан бахтиёрман.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ ижодий гуруҳи мухбири.

Тўрт сатр

ВАТАН

Абдулла ТУРДИЕВ

ВАТАН, кўз очасан ҳар тонг
қароғда,
Ҳар кеч юрагимга ботасан, ВАТАН.
Ўлсам — ўйиб ёзар ИСМИМ
тупроққа,
Теппамда тош бўлиб қотасан,
ВАТАН!

Тириклик тахти хоҳ, хоҳ фано
бошда —
Бир суюк ОНАсан, ОТАсан, ВАТАН!
Қисмати — бир ҳовуч тупроқ
болангни —
Ва мангу қучоқлаб ётасан,
ВАТАН!

ҲАҚИҚАТ

Тасаввурда неки истаган
Манзарани чизган бўлади.
Лекин баъзи нодонлар ўйлар:
«Ҳақиқатни бузса бўлади...»

Ҳатто унинг юзига қора —
Чизиқ тортиб бўлмас ҳеч қачон.
Ҳақиқат йўқ деганларга шу:
— Ҳақиқат бор, ҳақиқат — омон!!!

«БУХОРОЁГ»
очиқ акциядорлик
жамияти
мамлакатимиз
матбуоти
ходимларини
касб байрамлари
билан самимий
қутлайди.
Мустақил
Ўзбекистонимиз
шон-шуҳратини
оламга таратишда
қаламларингиз
ўткир бўлсин!

«АФСАР»
масъулияти чекланган жамият
шаклидаги Ўзбек – Россия қўшма корхонаси

барча матбуот ходимларини
қутлуғ аём
билан қутлайди.
Шоду-хуррамлик,
бахтиёрлик
доимо йўлдошингиз бўлсин,
муҳтарам
журналистлар!

Қизил тепа шаҳридаги
«Senator plyus»
масъулияти чекланган жамияти

барча ижодкорларни,
матбуот фидойиларини
матбуот ходимлари куни
билан муборакбод этади.

«Наманган
экстракт — ёғ»
очиқ акциядорлик
жамияти
журналистларни байрамлари
муносабати билан табриклайди.
Оилаларига қут-барака,
ижодларига равнақ тилайди.
Қалб қўрингиз, кўз нурингиз
билан топаётган қадрингиз
баланд бўлсин.

ИЛМ ДАРАХТИ

Ҳикмат сарчашмаси

Бизга қадар етиб келган бобокалонларимиз битикларида келтирилган ривоятларга қараганда бир донишманд мўйсафид дўстлар мажлиси чоғида инсон ҳаёти, узоқ умр кўриш борасида сўзлаб, ажойиботлар ва ғаройиботлар диёри бўлмиш Ҳиндистонда бир дарахт бордир, унинг мевасини тотиган киши ҳеч қачон қаримагай, абадий ҳаёт қолур, дебди.

Бу гап мамлакат подшоҳи қулоғига бориб етибди. Зеро унинг ёши анча жойга бориб қолган, қарилик, боз устига хасталик бутун вужудни карахт айлар эди. Шунда подишоҳ ўзининг энг содиқ вазирларидан бирини ҳузурига чорлаб, тезда Ҳиндистон элига бориб ана шу дарахт мевасидан олиб келишини амри фармон айлабди.

Суратда: Мақсуд ҚОРИЕВ дала ҳовлисида

Шунда вазир подишоҳнинг кўнглидан ўтолмай, анча қийинчиликлар, хорузорликлар тортиб бир ой деганда Ҳиндистонга етиб борибди. Ўша дарахт мевасини қидириб кўп жойларга борибди, сўрамаган жойи, одамлари қолмабди. Аммо ҳеч қаердан ўша дарахтни ҳам, мевасини топа олмабди. Ҳатто одамлар унинг устидан кулиб мазах ҳам қилишибди.

Ноилож қолган ноумид вазир "энди нима бўлса бўлди" деб, йўл тайёргарлигини кўра бошлабди. Шунда бир карвонсаройга тушган экан, унинг аҳволидан хабардор бўлган саховатпарвар савдогар йигит вазирнинг ничун ҳолатини кўриб раҳми келиб маслаҳат берибди: "Сиз мана шу қишлоқда бир донишманд, кўп ўқиган шайх бор, ўша одамга учрашсангиз, балки сиз қидириб юрган ҳаёт дарахтини топиб берар", дебди.

Вазир хурсанд бўлиб кетибди. Ўша заҳотиёқ шайх ҳузурига бориб воқеани бошдан оёқ сўзлаб берибди.

Шунда шайх унга дебди:

— Эй мискин, олиҳиммат инсон, ул ҳаёт дарахтини қидириб кўп озор чекибдурсен, қидириб юрган ноёб дарахт ҳақиқатдан ҳам бордур, аммо у сен ўйлаётган ва одамлар танаввул айлайдиган дарахт меваси эмас.

Вазир ҳайрон бўлибди. Шунча азоб чекиб, йўл юриб, мусофирликда қийналиб юрганига ачинибди ҳам.

— Бўлмаса у қандай дарахт экан? — дебди.

— Сен излаётган дарахт илм-ҳикмат дарахтидир. У, маънавият ва маърифат оламида ўсади. Жуда ҳам баланд, шоҳлари ҳар тарафга ёйилиб кетган, мевалари жуда ҳам тотли, ҳаётбахшдир. Ўзи илоҳий муҳит. Уқёнусдан сув ичар, шу боис унинг меваларини тотиган инсон чиндан ҳам абадий ҳаёт топгай. Энди ўзингни қийнаб, мусофир юртларда ғам-андуҳ чекиб, қийналиб юрмай, ўз юртингга кетавер. Қидириб юрган нарсанг она Ватанингда ҳам бордир, — дебди.

Ҳа, дунёда абадий, барҳаёт қоладурган нарса у алломаларнинг сўзию, донишманд алломалар қолдирган китоб ва битикларидир.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

Тил маданияти

ТАЛАФФУЗИНГИЗ ЧАТОҚ—КУ?

Она тилимиз бир ярим минг йилдан бери жилваланиб ўз маромида равнақ топмоқда, канотларини ёзиб, барча қардошларимиз билан биргаликда ундан баҳрамандмиз.

Сеники, меники демасдан биргаликда истифода этдик.

Қадимги она тилимиз ҳамма қардошларимиз учун умум тарзда истифода қилинди. Туркбобонинг фарзандлари чоракам минг йилдан сўнг ўз хонадонларига ажралиб, мустақил холда адабий тилларда сўзлаша бошладилар. Тил заминида лаҳжа, шеваларига ажралиб ўз она тилларини бунёд этдилар. Ўзбек элати ҳам қариндошлар каби қадимги она тилимизнинг анъанаси асосида минг йиллардан бери ўзининг адабий тилини яратди. Бизнинг адабий тилимиз минг йиллар оша қадимий туркий тилнинг давоми тарзида "Буғрахонлар тили", "Хоқония тили", "Қашқар тили", "Чиғатой тили", "Эски ўзбек тили", ниҳоят ҳозирги ўзбек тили номи билан юритилди.

Марказий Осиёда араб халифалиги хукмронлигидан сўнг Буғрахонлар ёки Қорахонийлар даврида иш юритиш, илмий, бадиий асарлар яратиш такомиллашди; анъанавий тарзда туркий тилда асарлар ёзила бошланди. Шунга кўра, Буғрахонлар тили, Хоқония тили номи юзага келди.

Шунингдек, Қорахонийлар Қашқар шаҳрини пойтахтга айлантиргандан сўнг, ўша даврдаги адабий туркий тил қашқар тили номи билан ҳам юритилди. Шунга кўра "Қашқар тили" деган атама пайдо бўлди.

Марказий Осиё Чингизхон босқинидан сўнг Марказий Осиёда Чиғатой улуси, Дашти Қипчоқда Жўжи улуси, Эронда Хулагу улуси, Хитойда Ўгадай улуси пайдо бўлди. Марказий Осиёда туркий қавмлар сунъий тарзда «Чиғатой» номи билан аталди, ҳамда «Чиғатой адабиёти» деган сохта атама юзага келди. Туркий тил атамаси билан бир қаторда «Чиғатой тили» термини ҳам қўллана бошланди. Бу термин туркий тил ибораси билан бир қаторда ёнма-ён XIX асрнинг охирига қадар истеъмолда бўлди. XIX асрнинг яримида Шайхи Сулаймон Бухорий томонидан "Луғати Чиғатой ва Усмоний" номли асар ёзилди.

Қорахонийлар давридаги адабий тил қарлуқ, чигил, ўғуз, қипчоқ қабила асосида шаклланган тиллар учун асос бўлди.

XIII - XIV асрлардан бошлаб «Чиғатой тили» номи пайдо бўлган даврдан кейин қайта ташкил топган ўзбек, янги уйғур, салжуқ ёки усмонли турклар, қозоқ, озарбойжон, қирғиз, татар каби туркий қавмлар тили учун анъанавий қорахонийлар давридаги адабий тил асос бўлди.

Ниҳоят, «Чиғатой тили» асосида анъанавий янги туркий тиллар юзага келди. Ўзбек, турк, қозоқ, қирғиз, озарбойжон, татар, уйғур ва бошқа мустақил туркий тиллар шаклланди. Совет Россияси даврида анъанавий туркий адабий тил термини ўрнида эски ўзбек адабий тил атамаси қўлланди.

XX асрнинг қирқинчи йилларида адабий тилимизнинг талаффуз меъёри, мумтоз адабий тилимиз, ўзбек шевалари ҳамда қардош туркий тилларнинг муносабати асосида шаклланиши лозим эди. Ғайри расмий мақсадларни кўзда тутиб, тилимизни анъанавий хусусияти издан чиқарилди.

XX асрнинг қирқинчи йиллардан сўнг тилимизнинг анъанавий талаффуз меъёри, уни жилвалари маълум даражада издан чиқди. Шу билан бирга ҳозирги ўзбек адабий тилида услубнинг меъёри лексик қатламнинг маълум даражада кенгайганлигини унутмоқчи эмасмиз.

Мумтоз адабий тилимизнинг барча даврларида яратилган ёзма обидаларимиз, айниқса, Алишер Навоий бобомизнинг асарларини истифода этганимизда маълум даражада талаффуз меъёрларини бузмоқдамиз.

Биз мумтоз адабий тилимизда яратилган ёзма манбаларнинг меросхўримиз, мумтоз адабиётимизга оид ёзма обидаларни нашр қилишда, уларни жамоатчилик олдида намойиш қилишда ҳам талаффуз меъёри чалкаш ҳолда ёритилмоқда. Радио эшиттиришларида, телевидениеда санъаткорлар тилида мумтоз адабий тилимиз нотўғри талаффуз қилинмоқда.

Умумхалқ учун бериладиган эшиттириш жойларида талаффуз меъёрларини тартибга солувчи махсус гуруҳлар томонидан кузатиш ишлари олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлур. Талаффузда бузилишларга йўл қўйилмаслик учун боғчаларда, мактабларда, ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида махсус мумтоз тилимизнинг талаффуз меъёрларини ўргатишимиз зарур. Шунингдек, олий ўқув юртларининг филология факультетларида ҳам мумтоз адабий тилимиз талаффуз меъёрларини ўргатувчи гуруҳлар ташкил этишимиз керак.

Келажакда мумтоз адабий тилимизда қўлланган сўзлар учун орфоэпик ёки талаффуз ифодаловчи луғатлар тузишимиз лозим.

Мумтоз адабий тилимизда қўлланган ҳар бир сўзимизнинг талаффуз меъёри асосий сўз шаклидир.

Ёзув ҳамда амалда қўлланган форма эса шартли ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мумтоз адабий тилимиз даврида қўлланган араб алифбоси бизнинг ўша даврдаги талаффуз меъёримизга мос келмаган. Мумтоз адабий тилимиз даврида яшаган отабоболаримиз ўз замонасидаги сўзларнинг талаффуз меъёрларини хотираларида асраганлар. Алифболар алмашиши туфайли, янги алифболарда унли, ундош товушларни ифодаловчи ҳарфлар қисқартирилиши натижасида сўзларнинг талаффуз меъёрларини унутдилар. Шундай бўлса ҳам, ҳозирги кунда сингармонизмли ўзбек тили шеваларида мумтоз тилимизда қўлланган туркий сўзларга хос талаффуз нормалари сақланиб келмоқда. Минг йиллар давомида мумтоз адабий тилимизда яратилган ёзма обидаларни ҳозирги ўзбек тилида нашр қилиш ишлари ҳам техник жиҳатидан талабга жавоб бермайди.

Биз албатта келажакда мумтоз тилимизда яратилган ёзма обидаларнинг нашр ишларида мумтоз адабий тилимизга риоя қилишимиз лозим.

Ҳозирги қардош туркий халқлар мумтоз адабий тилимизни ўзларининг мумтоз адабий тили тарзида қарайдилар.

Масалан: араблар, хитой, инглиз ва бошқа халқлар каби адабий тилимизнинг талаффузига эътибор беришимиз керак. Биз ҳам эски ўзбек адабий тилига нисбатан аниқ муносабатимизни белгилашимиз зарур. Бу масалани ечиш янги алифбомизга ҳам боғлиқ эканлигини унутмасак бўлгани.

Қозоқбой МАҲМУДОВ,
профессор

Турфа олам

ЧАЁНЛАР ҚИРОЛИ

Калифорниялик Майкл Эндрюс худонинг берган кунида кам деганда бир жуфтгина тирик чаённи жиғилдонига урмаса кўнгли жойига тушмайди. Унинг оғзига тушган бечора бўғим оёқлилар ўзларининг иштаҳаси карнай кушандаларини жон-жаҳди билан чақишар, бироқ Майкл бунга зиғирча ҳам эътибор қилмасди. Гап шундаки, уни қачонлардир болалигида чаён чақиб олган бўлиб, ўшандан буён у шу хилдаги хавфли ҳашаротларнинг захридан қўрқмайди. Тўғри, унинг бу хусусияти тасодифан аён бўлиб қолди. Майкл 30 ёшга тўлган куни оғайниси билан тирик чаённи еб қўйишга баҳс бойлади. Гарчанд «оти йўқ» ҳашорот боплаб чаққан бўлса-да, Майкл баҳсда ютиб чиқди. Ҳатто шифокорга ҳам мурожаат қилишга ҳожат қолмади. Устига устак, чаёндан газак қилиб олгач, унинг қуввати ҳам анча ошганлигини сезиб қолди. Шу-шу бўлди-ю, Майкл ҳар куни эрталаб нонуштага боғдан ўйноқлаб юрган бир неча чаённи тутиб, паққос туширадиган бўлди. Эндрюснинг айтишига қараганда, чаёнлар анча тўйимли бўлиб, мазасига кўра яхши қовурилган товуқ гўштини эслатаркан. Эркаклар учун эса қанчалик фойдали эканлигини гапирмаса ҳам бўлади. Бироқ шунга қарамасдан, бунақа виаградан фойдаланишга Майклнинг дўстларидан ҳеч бирининг ўраги бетламай турибди.

МАЛИКА ХАЙЯ БИР ЙЎЛА ЎН ОЛТИ НАФАР ФАРЗАНДГА ЭГА БЎЛДИ

Иордания маликаси — 29 ёшли Хайя ёшлигиданоқ от спортига муккасидан кетганлиги туфайли ёки бошқа сабабданми, эҳтиёткор шарқ йигитлари орасидан ҳадеганда унга талабгор топилавермади. Натижада гўзал чавандознинг ёши бироз ўтинқираб қолди. Ва, ниҳоят, эндиликда турмушга чиққан Хайя ўзини бошқа вазифага бахшида этмоқчи, яъни Дубай шаҳзодасининг меросхўрлари сонини янада кўпайтирмоқчи эмиш. Тўғри, 55 ёшли Муҳаммад аллақачон ўн олтита фарзандга ота бўлиб улгурган. Бироқ, эр-хотиннинг айтишига қараганда, рисоладагидек араб оиласи бунинг устига қирол оиласи учун — ўн олти фарзанд ҳеч гап эмас. Бир вақтларда Муҳаммад жаҳондаги энг ёш мудофаа вазири сифатида ном қозонган эди. Эндиликда эса у энг серфарзанд шаҳзода сифатида донг таратса ажаб эмас.

ХУМОРИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Буюк Британия суди португалиялик ашаддий кашандани 10 кунлик қамоқ жазосига ҳукм қилди. 25 ёшли Хосе да Сильванинг бор-йўқ айби тамаки хумор қилиб, ўз шахсий буюмлари солинган сумкасини атиги бир неча дақиқага Бирмингем аэропорти (тайёрагоҳи)нинг кутиш залида қолдириб кетганлиги эди, холос. Эгасиз сумкани кўргач, аэропорт маъмурияти аэропорт ходимлари ва мингга яқин йўловчиларни эвакуация қилди, 15 та рейс кечиктирилди, яна бир неча самолёт бошқа аэропортларга йўлланди. Хосе да Сильванинг ўзи эса ишнинг бунчалик чаппасига айланиб кетиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаганлигини ва ўзининг айбсизлигини такрорлашни қўймас эди.

Хориж матбуотидан
Насиба УСМОНОВА таржимаси.



Усталар мулоқоти.

Шавкат БОЛТАЕВ олган сурат

ТОЛАФУРУШЛАР

Пахтакор ризқига ҳиёнат

Мана, бугун юртимизнинг барча жойларида ғўзанинг агротехникасига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Албатта, эртага ҳосил ҳам шунга яраша бўлади. Демак, иқтисодиётимизнинг негизини оқ олтин ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, жойлардаги маҳаллий раҳбар ва масъул кишилардан пахтачиликка бўлган муносабатни янада яхшилаш талаб этилади. Афсуски, бу борада айрим раҳбарлар ўзининг жавобгарлигида бўлган маҳсулотларни ноқонуний ўзлаштириш йўли билан нопок ишга қўл уриб, давлат мулкини талон-торож қилаяпти. Зарбдор туманидаги Пахта тозалаш ОАЖда ҳам ана шундай салбий ҳолатлар рўй бераётганлигини аниқланди. Корхона товаршуноси Х. Бўронов ўзининг жавобгарлигидаги биринчи навли 27980 килограмм. 912707 сўм қийматдаги чигит маҳсулотларини чиқим қилиш тўғрисида қалбаки ҳужжатлар расмийлаштиради. Сохта ҳужжатлар тайёр бўлгач, ғараз ниятларда қинғир ишини амалга оширишга киришади. Шундай қилиб у ҳеч қанақа махсус рухсатномасиз, бухгалтерия рўйхатидан ўтказмасдан ўзининг таниши фуқаро И. Эргашев ва К. Ропиевлар бошқарувидаги «КамАЗ» русумли 13 АЕ 477 ва 13 Е 79-57 давлат белгили автомашиналарда кўп миқдордаги чигит маҳсулотларини корхонадан ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетади. Қинғир иш келтирар ташвиш. Мазкур ҳолат юзасидан Х. Бўронов ва бошқаларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Жиззах туманидаги Учтепа пахта тозалаш корхонасида ҳам қинғирликларга йўл қўйилган. Аслида ушбу ҳиссадорлик жамияти, вилоят пахта саноат ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг 2004 йил 25 мартдаги 12/3-43-сонли «Приказ наряд»ига асосан «Пахтакор тола базаси» орқали «Истиқлол сари» корхонасига 100 тонна 5-навли пахта толаси ўтказиб бериши лозим эди. Аммо аксинча, мазкур корхонанинг мансабдор шахслари «Истиқлол сари» корхонаси раҳбари М. Сиддиқов билан ўзаро жиноий тил бириктиришади. Боз устига мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб бешинчи навли пахта толаси бериш ўрнига 20460 килограмм. 10720391 сўмлик 2, 3, 4-навли пахта толасини «Пахтакор тола базаси» орқали чиқармасдан тўғридан-тўғри «Истиқлол сари» корхонасига чиқариб беришади. Ушбу толалар экспертизадан ўтказилганда хомашёнинг асосий қисми учинчи навли яхши толалар эканлиги аниқланди. Уч-тепа пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ходимлари қасддан 18 миллион 593 минг 605 сўмлик толани 10 миллион 720 минг 391 сўмга ҳисоблаб камомадга йўл қўйган. Натижада давлатга 7 миллион 73 минг 215 сўм моддий зарар келтирган.

Ушбу ҳолат бўйича иккала корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Дарвоқе, айрим жойларда давлат мулкининг мансабдор шахслар томонидан талон-торож қилиниши ҳали-ҳануз давом этмоқда. Белгиланган қонун-қоидаларни четлаб, ўз манфаатини умумманфаатидан устун қўяётган айрим мутасаддилар иқтисодий ислоҳотларга тўсиқ бўлиш билан бирга давлат мулкига катта зарар келтирмоқда. Шундай экан, ҳар бир раҳбар, ўз манфаатидан юрт манфаатини устун қўйса ва энг асосийси ўз фаолиятини қонунлар асосида ташкил эта олса юзи шувут бўлмайди.

Сарвар ТОШЕВ,
Жиззах вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси

Спорт оламида

ЕВРО – 2004: КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Куни кеча Португалия яшил майдонларида ўтаётган футбол бўйича Европа — 2004 баҳсларининг гуруҳ ўйинларига якун ясалди. Мусобақа сенсацион натижалари билан ҳам ҳамманинг нигоҳини ўзига қаратмоқда. Турнир билан Германия, Италия, Испаниядек гранд жамоаларининг хайрлашувини ҳеч ким кутмаганди. Бу дегани Европада ҳам жамоаларнинг ўйини тенглашиб, ўртамиёна жамоа номини олган термалар ўз ўйини билан барчани лол қолдирмоқда.

Мусобақанинг кашфиётлари эса Руни, Снайдер, Карагунис, Роббен ва Иброхимович деб қаралмоқда. Қуйида сиз турнир жадвали билан танишишингиз мумкин.

«А» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т–Н	О
ПОРТУГАЛИЯ	3	2	0	1	4-2	6
ГРЕЦИЯ	3	1	1	1	4-4	4
Испания	3	1	1	1	2-2	4
Россия	3	1	0	2	2-4	3

«В» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т–Н	О
ФРАНЦИЯ	3	2	1	0	7-4	7
АНГЛИЯ	3	2	0	1	8-4	6
Хорватия	3	0	2	1	4-6	2
Швейцария	3	0	1	2	1-6	1

«С» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т–Н	О
ШВЕЦИЯ	3	1	2	0	8-3	5
ДАНИЯ	3	1	2	0	4-2	5
Италия	3	1	2	0	3-2	5
Болгария	3	0	0	3	1-9	0

«Д» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т–Н	О
ЧЕХИЯ	3	3	0	0	7-4	9
ГОЛЛАНДИЯ	3	1	1	1	6-4	4
Германия	3	0	2	1	2-3	2
Латвия	3	0	1	2	1-5	1

Тўпурарлар: 4 та — Руни; 3 та — Зидан;
Чорак финалда учрашадиган жамоалар:
1. Португалия — Англия
2. Франция — Греция
3. Швеция — Голландия
4. Чехия — Дания

1/4 финалнинг марказий учрашуви сўзсиз Португалия — Англия ўртасидадир. Фаворитлардан бири мусобақадан чиқиб кетади. Яна бир учрашув қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Бу Швеция — Голландия ўйини.

РУСЛАННИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ



Профессионал бокс рингларида ўта оғир вазн тоифасида муваффақиятли жанглар олиб бораётган ҳамюртимиз Руслан Чагаев навбатдаги учрашувида ҳам ғалаба қозонди. 22 июнь куни Тельфс(Австрия)да боксчимиз америкалик Седрик Филдсга қарши рингга кўтарилди.

Ёдингизда бўлса, Руслан ушбу боксчи билан шу йилнинг 17 февралида Любек(Германия)да жанг ўтказиб ғалаба қозонганди. Реванш учрашуви сифатида эътироф этилган Австриядаги баҳсда ўзбек боксчиси ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмади. Кўп раундли мазкур жангнинг иккинчи раундидаёқ Руслан Чагаев рақибини нокаутга учратиб, соф ғалабага эришди ва рейтинг очколарини кўпайтириб олди. Бу Русланнинг профессионал рингдаги ўн учинчи ютуғидир.

ИСБОТИНИ ТОПМАДИ

Euro-2004 баҳсларининг чорак финал баҳсига йўлланма ололмаган Италия футбол федерацияси (ISF) президенти Франко Коррадо ҳамда мамлакат миллий терма жамоаси дарвозабони Жанлуижи Буффонлар чемпионат дисциплинаси бузилганлиги тўғрисида УЕФАга шикоят қилди. Унда ёзилишича, Скандинавия мамлакатлари — Дания ва Швеция терма жамоалари гуруҳ учрашувида ўзаро келишиб, керакли натижани қайд этганликларини билдиришган.

УЕФА ушбу шикоят юзасидан тегишлича текшириш ишларини олиб борди. Якунда қитъа футбол уюшмаси бу учрашувда ҳеч қандай дисциплина бузилмаган деб, топди.

ЧИПТАЛАР НАРХИ ҚАНЧА?

Португалия яшил майдонларида қизғин паллага кирган Европа чемпионатининг чорак финал учрашувлари, ярим финал ҳамда финал ўйинларига чипта нархлари кутилганидан икки-уч баробар ошиб кетди. Мусобақа ташкилотчилари чорак финал учрашувларига ҳар бир чиптани ўртача 300-350 евро миқдорида баҳолашганди. Бироқ ўйинлар давомида чипталарнинг ҳар бири 600-650 евро миқдорида сотилмоқда.

Чипталарнинг ярим финал ўйинларида 800 евродан сотилиши кутилмоқда. Бу оддий мухлисларни ташвишлантиряпти. Чунки томошабинлар финал учрашуви чиптаси учун 1000 евродан сарфлашларига тўғри келиши ҳеч гап эмас.

МАҒЛУБИЯТ УЧУН ТЎРТ МИЛЛИОН ЕВРО

РИА «Новости»нинг хабар қилишича, Германия футбол уюшмаси Европа чемпионати «Д» гуруҳидаги сўнгги учрашувда немислар устидан қозонилган ғалаба учун Чехия терма жамоасини Голландия футболи мутасаддиларидан 4 миллион евро олганликда айбламоқда.

— Бу жиноят эмас, — дея фикр билдирди Голландия савдо палатаси бош котиби Миссия ден Хаан. — Чехлар ғалаба учун жуда кўп тер тўкишди. Немисларнинг ортда қолишида на Голландия, на Чехия терма жамоасининг айби бор. Чорак финалга чиқа олмаганликлари учун немислар ўзларидан хафа бўлишсин. Агар биз пул берадиган бўлсак ҳам чехларга чиройли ўйини ва ғалабаси учун мукофот тариқасида берган бўлардик.

Суннатилла ИСЛОМОВ, Шаҳобиддин РАСУЛОВ, Собир БОБОМУРОДОВлар тайёрлашди.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 731. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158
Адади: 1669 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00